

«Ҳаж» ва «Умра» зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги лойиҳа



09:00 / 11.11.2020 1615

Блогер Хушнуд Худойбердиев телеграм саҳифасида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 364-сонли [қарорига](#) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳақида [kun.uz](#) манбаси [хабар берди](#).

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.	1. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб: Ўзбекистон Республикасида республика фуқароларининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан мазкур банд билан тасдиқланган Низом қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ушбу тадбирларни амалга оширишга қўмаклашади. Ўзбекистон Республикасида бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолият билан шугулланишига йўл қўйилмайди.	Ўзбекистон Республикасида республика фуқароларининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан мазкур банд билан тасдиқланган Низом қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ушбу тадбирларни амалга оширишга қўмаклашишига оид қоида киритилмоқда.
Тўлдирилмоқда		
4. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий	4. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий жойи ўзгариши тақдирда, уларнинг	Амалиётда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига жойланган мазкур қарор лойиҳасида 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фақат Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши ҳамда Ўзбекистонда бошқа ташкилотларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга оид фаолият билан шугулланишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоида белгиланган.

Айтиш лозимки, қарорнинг амалдаги таҳририда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан бошқа ташкилотларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этишларига расмий тақиқ белгиланмаган.

Ушбу лойиҳа билан батафсил танишиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталидан амалга оширган қидирувлар натижа бермади. Лойиҳа ушбу платформага жойланмай, «ёпиқ эшиклар ортида» қабул қилиниб кетиши эҳтимоли мавжуд.

Маълумот учун, президент қарорига [асосан](#), барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозим.

Жамоатчилик муҳокамасига эълон қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни [лойиҳаси](#)нинг 15-

моддасида (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний соҳадаги ваколатлари) қўмита Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги зиёрат жойларига боришини, шу жумладан, Ҳаж ва Умра ибодатини амалга оширишни ташкил қилади, деган қоида акс этган.

Амалдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда қўмитага бундай ваколат берилмаган.